

## Ҳушёрликка чорлов

2019 йил 2 февраль куни "Ирригация ва мелиорация" кафедраси профессор ўқитувчилари доц. С.А.Касимбетова, асс. Г.Т.Ахмеджонова, асс. Д.Г.Юлчиев, асс. А.Долидудко, стажёр ўқитувчи Э.Маликовлар томонидан 3 - ТТЖда "Огоҳлик - давр талаби" мавзусига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда талаба ёшларга бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршиликлар, муслмон дунёсидаги турли диний оқимлар ўртасида кучайиб бораётган низо ва зиддиятлар тўғрисидаги маълумотлар тақдимот орқали тушунтириб берилди.

Шу билан бир қаторда талабаларга тинч ва осуда ҳаётимизни, тинчликни асраш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги ва доимо огоҳ бўлишимиз зарурлиги тушунтириб ўтилди.

Тадбир жуда қизиқарли ва савол жавобларга бой тарзда ўтди.



"Ирригация ва мелиорация" кафедраси ассистенти Д. Юлчиев ахбороти  
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов